O'ZBEKISTON TA'LIM VA FAN XODIMLARI KASABA UYUSHMASI RESPUBLIKA KENGASHI

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СОВЕТ ПРОФСОЮЗА РАБОТНИКОВ ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ УЗБЕКИСТАНА

# IJROIYA QO'MITA QARORI
# ПОСТАНОВЛЕНИЕ ИСПОЛКОМА

2025 yil "7" avgust 17-7„c"-sonli

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2025 йил 30 июлдаги "Давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудитни янада самарали ташкил этиш ва натижадорлигини ошириш тўғрисида" ги 15 - 74 "с" - сонли қарори тўғрисида

"Янги Ўзбекистон" тараққиёт стратегияси ва "Ўзбекистон - 2030" стратегияси доирасида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратишга қаратилган кенг қамровли islоҳотлар амалга оширилмоқда.

"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-809-сон Қонун билан "гендерга оид аудит" тушунчаси қонунчиликка киритилди ҳамда вазирлик ва идораларда гендерга оид аудит ўтказиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига топширилди.

Шундан келиб чиқиб, Республика комиссияси мажлисининг 2025 йил 26 майдаги 14-сонли баённомаси билан гендерга оид аудитни янада самарали ташкил этиш ва натижадорлигини ошириш мақсадида янги таҳрирдаги Давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш услубияти (кейинги ўринларда Услубият деб юритилади) тасдиқланди.

Услубиятда Гендерга оид аудитни нафақат Республика ташкилотларида балки худудий, туман (шаҳар) ва ташкилотлар миқёсида ўтказиш ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ижтимоий шерик бошқарув органлари билан биргаликда қуйи тизимгача Гендерга оид аудит ўтказиши ва мувофиқлаштириш учун белгиланган муддатларда ахборот ва таклифларни Федерацияга тақдим этиб бориши каби қатор вазифалар белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тармоқ ташкилотларида гендерга оид аудитни ўз вақтида ва самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Ижроия қўмитаси **қарор қилади:**

**1.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2025 йил 30 июлдаги "Давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудитни янада самарали ташкил этиш ва натижадорлигини ошириш тўғрисида"ги 15-74 "с" - сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

**2.** Республика кенгашининг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари, Тошкент шаҳар бўлинмаси кенгаши, ЎзФА БКУҚ раислари:

**10 кун муддатда** гендерга оид аудитни ўтказиш учун тармоқ касаба уюшмалари вакиллари ҳамда унинг ижтимоий шерик бошқарув органлари вакилларидан иборат аудиторлар гуруҳини вилоят, туман (шаҳар) ва ташкилотлар миқёсида ташкил этсин;

**бир ой муддатда** соҳада зарур билим ва иш тажрибасига эга мутахассислар ҳамда экспертларни жалб қилган ҳолда режа асосида гендерга оид аудитни ўтказувчи аудиторлар гуруҳи аъзолари учун Услубият мазмун-моҳияти ҳақида **ўқув-семинарлар** ташкил этсин;

Тармоқ ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш юзасидан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг чора - тадбирлар режасига мувофиқ қуйи тузилмаларда гендерга оид аудит ўтказиш режасини тасдиқласин;

Услубиятнинг 16-бандига асосан аудиторлар гуруҳининг вазифалари ижросини таъминлаш ва назорат қилиш чораларини кўрсин;

уч йиллик режага асосан гендерга оид аудит ўтказилишини ташкил этсин, заруратга кўра, танлов асосида ижтимоий шерик бошқарув органи билан биргаликда жойига чиққан ҳолда гендерга оид аудит ўтказсин;

гендерга оид аудит натижалари бўйича ахборот ва таклифларни аудит якунлангандан кейин **ўн иш кунидан** кечиктирмай белгиланган тартибда Республика кенгашига киритиб борилишини таъминласин.

**3.** Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича тармоқ аудиторлар гуруҳи (Турикова Л.):

Ҳудудларда тузилган аудиторлар гуруҳига гендерга оид аудитни ўтказиш жараёнида зарур бўлган методологик ва техник ёрдамни кўрсатсин;

аудит жараёнида заруратга кўра, жамоатчилик фаоллари ва бошқа ташқи манбалар билан муносабатларни йўлга қўйиш ва уларни жалб қилишда кўмаклашсин;

тармоқда гендерга оид аудит ўтказиш жараёнларини мувофиқлаштирсин, мониторингини олиб борсин, натижаларига доир ахборот, таклифлар ва республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган энг долзарб тизимли масалаларни аудит якунланганидан кейин **ўн иш куни ичида** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига киритиб борсин.

**4. Қуйидагилар:**

Тармоқ ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш юзасидан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Чора - тадбирлар режаси **1-иловага;**

давлат органлари ва ташкилотларида ўтказиладиган Гендерга оид аудитнинг Ҳисобот шакллари **ҳ1, ҳ2, ҳ3, ҳ4-иловага;**

аудиторлар гуруҳи аъзолари учун Услубият мазмун-моҳияти ҳақидаги ўқув-семинарларнинг намунавий Дастури **2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**5.** Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Р.Бедилов зиммасига юклатилсин.

Республика кенгаши раиси Р.Бедилов

*Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ижроия қўмитасининг 2025 йил “ 7” августдаги 17-7“с”-сонли қарорига 1-илова*

# Тармоқ ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш юзасидан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| № | Тадбирлар | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | **10 кун муддатда** гендерга оид аудитни ўтказиш учун тармоқ касаба уюшмалари вакиллари ҳамда унинг ижтимоий шерик бошқарув органлари вакилларидан иборат аудиторлар гуруҳини вилоят, туман (шаҳар) ва ташкилотлар миқёсида ташкил этсин;<br>**бир ой муддатда** соҳада зарур билим ва иш тажрибасига эга мутахассислар ҳамда экспертларни жалб қилган ҳолда режа асосида гендерга оид аудитни ўтказувчи аудиторлар гуруҳи аъзолари учун Услубият мазмун-моҳияти ҳақида **ўқув-семинарлар** ташкил этсин;<br>Тармоқ ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш юзасидан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг чора - тадбирлар режаси мувофиқ қуйи тузилмаларда гендерга оид аудит ўтказиш режасини тасдиқласин;<br>Услубиятнинг 16-бандига асосан аудиторлар гуруҳининг вазифалари ижросини таъминлаш ва назорат қилиш чораларини кўрсин;<br>уч йиллик режага асосан гендерга оид аудит ўтказилишини ташкил этсин, заруратга кўра, танлов асосида ижтимоий шерик бошқарув органи билан биргаликда жойига чиққан ҳолда гендерга оид аудит ўтказсин;<br>гендерга оид аудит натижалари бўйича ахборот ва таклифларни аудит | 2025 йил<br>8 август<br><br>22 август, ҳар чорак<br><br>аудитдан 15 кун олдин<br><br>белгиланган муддат, чорак бошида<br><br>белгиланган муддат, 10 иш кунида<br>белгиланган | Республика кенгашининг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари, Тошкент шаҳар бўлинмаси кенгаши, ЎзФА БКУҚ раислари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | якунлангандан кейин **ўн иш кунидан** кечиктирмай белгиланган тартибда Республика кенгашига киритиб борилишини таъминласин | муддатда | |
| **2.** | Ҳудудларда тузилган аудиторлар гуруҳига гендерга оид аудитни ўтказиш жараёнида зарур бўлган методологик ва техник ёрдамни кўрсатсин;<br>аудит жараёнида заруратга кўра, жамоатчилик фаоллари ва бошқа ташқи манбалар билан муносабатларни йўлга қўйиш ва уларни жалб қилишда кўмаклашсин;<br>тармоқда гендерга оид аудит ўтказиш жараёнларини мувофиқлаштирсин, мониторингини олиб борсин, натижаларига доир ахборот, таклифлар ва республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган энг долзарб тизимли масалаларни аудит якунланганидан кейин **ўн иш куни ичида** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига киритиб борсин. | белгиланган муддат, ҳар чорак<br><br>белгиланган муддат, ҳар чорак | Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича тармоқ аудиторлар гуруҳи, Республика кенгаши |
| **3.** | Гендер аудиторлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув-курсларига номзодларни шакллантириш ва юбориш | заруратга кўра | Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши |
| **4.** | Гендерга оид аудит жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет тармоғида кенг ёритиб бориш. | ҳар чорак | Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши |
| **5.** | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қуйи тузилмаларида Республика, вилоят, туман (шаҳар) ва ташкилотлар кесимида гендерга оид аудит **ўтказиш** ҳамда маълумотларни Касаба уюшмалари Федерациясига **тақдим этиш.** | 2025 йил<br>4 чорак | Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича тармоқ аудиторлар гуруҳи, Республика кенгаши |
| **6.** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қуйи тузилмаларида Республика, вилоят, туман (шаҳар) ва ташкилотлар кесимида гендерга оид аудит **ўтказиш** ҳамда маълумотларни Касаба уюшмалари Федерациясига **тақдим этиш.** | 2026 йил<br>4 чорак | Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича тармоқ аудиторлар гуруҳи, Республика кенгаши |

x1-илова

**Давлат органлари ва ташкилотларида ўтказиладиган Гендерга оид аудитнинг**
**ҲИСОБОТИ**

| Т/р | Республика ижро этувчи ҳокимият органи номи | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган семинарлар сони | Семинарда иштирок этган ходимлар сони | Гендерга оид аудит ўтказилган ташкилотлар сони | Гендерга оид аудит доирасида аниқланган камчиликлар сони | Шундан, бартараф этилган камчиликлар сони | Юқори турувчи ташкилотга чиқарилган камчиликлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ишлаб чиқилган таклифлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган индивидуал суҳбатларда иштирок этганлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган онлайн, ижтимоий сўровномада иштирок этганлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Вазирлик марказий аппарати | | | | | | | | | |
| 2 | Тузилмавий ташкилот 1 | | | | | | | | | |
| 3 | Тузилмавий ташкилот 2 | | | | | | | | | |
| 4 | Тузилмавий ташкилот 3 | | | | | | | | | |
| 5 | Тузилмавий ташкилот 4 | | | | | | | | | |
| 6 | Тузилмавий ташкилот 5 | | | | | | | | | |
| 7 | Тузилмавий ташкилот 6 | | | | | | | | | |
| 8 | Тузилмавий ташкилот 7 | | | | | | | | | |
| | **Жами:** | | | | | | | | | |

х2-илова

**Ҳудудий бўлинма ва ҳудудий ташкилотларда ўтказиладиган Гендерга оид аудитнинг**
**ҲИСОБОТИ**

| Т/р | Республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳудудий бўлинма ва ҳудудий ташкилоти номи | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган семинарлар сони | Семинарда иштирок этган ходимлар сони | Гендерга оид аудит доирасида аниқланган камчиликлар сони | Шундан, бартараф этилган камчиликлар сони | Юқори турувчи ташкилотга чиқарилган камчиликлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ишлаб чиқилган таклифлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган индивидуал суҳбатларда иштирок этганлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган онлайн, ижтимоий сўровномада иштирок этганлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | |
| Жами: | | | | | | | | | |

х3-илова

**Туман (шаҳар)ларда ўтказиладиган Гендерга оид аудитнинг**

**ҲИСОБОТИ**

| Т/р | Туман (шаҳарлар) номи | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган семинарлар сони | Семинарда иштирок этган ходимлар сони | Гендерга оид аудит доирасида аниқланган камчиликлар сони | Шундан, бартараф этилган камчиликлар сони | Юқори турувчи ташкилотга чиқарилган камчиликлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ишлаб чиқилган таклифлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган индивидуал суҳбатларда иштирок этганлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган онлайн, ижтимоий сўровномада иштирок этганлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | |
| | **Жами:** | | | | | | | | |

x4-илова

**Корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган Гендерга оид аудитнинг**
**ҲИСОБОТИ**

| Т/р | Ташкилот номи | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган семинарлар сони | Семинарда иштирок этган ходимлар сони | Гендерга оид аудит доирасида аниқланган камчиликлар сони | Шундан, бартараф этилган камчиликлар сони | Юқори турувчи ташкилотга чиқарилган камчиликлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ишлаб чиқилган таклифлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган индивидуал суҳбатларда иштирок этганлар сони | Гендерга оид аудит доирасида ўтказилган онлайн, ижтимоий сўровномада иштирок этганлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | |
| Жами: | | | | | | | | | |

*РК Ижроия қўмитасининг*
*2025 йил "7" даги 17-7 "с"-сонли*
*қарорига 2-илова*

Гендерга оид аудиторлар гуруҳи аъзолари учун Услубият мазмун-моҳияти ҳақидаги ўқув-семинарларнинг намунавий
ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| Ўтказиш вақти | 2025 йил 19 август соат 9.00 |
| Ўтказиш жойи: | Тўрткўл тумани Баркамол авлод Маркази |
| Ташкилотчи: | Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тўрткўл туман кенгаши |
| Иштирокчилар: | Ижтимоий шерик ташкилотлар масъул ходимлари, Гендерга оид аудиторлар гуруҳлари |
| Таклиф этилганлар: | Кўмаклашувчи ишчи гуруҳ аъзолари, касаба уюшмаси фаоллари |
| **ЎҚУВ-СЕМИНАРНИНГ БОРИШИ** | |
| 9:00-9:20 | Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тўрткўл туман кенгаши раиси А.Халдурдиев |
| 9:20-10:00 | Янги таҳрирдаги Гендерга оид аудит услубиятининг мазмун моҳияти<br>*Спикер таклиф қилинади, ФИШ ва лавозими ёзилади* |
| 10:10-10:40 | Давлат органлари ва ташкилотларида Гендерга оид аудит ўтказиш жараёнларида ходимлар нисбатини барча тамойиллар асосида таҳлил қилиш<br>*Спикер таклиф қилинади, ФИШ ва лавозими ёзилади* |
| 10:50-11:20 | Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат кенгашлари фаолиятларини ўрганиш<br>*Спикер таклиф қилинади, ФИШ ва лавозими ёзилади* |
| 11:30-12:00 | Давлат органлари ва ташкилотларида Гендерга оид аудит ўтказиш жараёнларида ташкилотда қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг гендер экспертизадан ўтказилганлиги таҳлили ҳамда Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни ўрганиш<br>*Спикер таклиф қилинади, ФИШ ва лавозими ёзилади* |
| 12:10-12:40 | Давлат органлари ва ташкилотларида Гендер бюджетлаштиришга оид таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш<br>*Спикер таклиф қилинади, ФИШ ва лавозими ёзилади* |
| 12:40-14:00 | Давлат органлари ва ташкилотларида Гендерга оид аудит ўтказиш жараёнларида ташкилот ходимлари ўртасида интерактив семинарлар, онлайн сўровномалар ва индивидуал суҳбатлар ташкил этиш тартиблари<br>*Спикер таклиф қилинади, ФИШ ва лавозими ёзилади* |
| 14:00 | Савол –жавоблар |